

П У Д Р А Т Ш А Р Т Н О М А С И № 18

« 19 » сентябрь 2022 й.

Бухоро шаҳар .

« STORY CITY LYUKS » МЧЖ (кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритилади) номидан ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи Юсупов. А (вазифаси, фамилияси, исми) тимсолида, бир томондан ва РЎТФХМОИМ Бухоро филиали, ташкилот, муассаса номи), (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан ўзининг низоми асосида иш юритувчи Джумаев. Х да, иккинчи томондан мазкур шартномани қўйидагилар орада тузилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1 Ушбу шартнома буйича «Пудратчи» «Буюртмачи»нинг буюртмасига асосан Республика Ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва ихтисослаштириш маркази Бухоро филиали ва тузилган лойиҳа смета ҳужжатларига асосан ўқув биносида, иситиш тизимини жорий таъмирлаш ишларини бажаришни, «Буюртмачи» эса бажарилган ишларни қабул қилиб олишни ҳамда тўловни амалга оширишни ўз зиммаларига олади.

2. ШАРТНОМА БУЙИЧА КЕЛИШУВ НАРХЛАР

2.1. «Буюртмачи» томонидан тақдим қилинган ҳужжатларга асосан таъмирлаш ишларининг қиймати 515 400 00 (*Беш юз ун беш миллион тўрт юз минг*) сўми ташкил қилади.

2.2. Таъмирлаш ишларининг бошланиши Шартноманинг умумий суммасидан 30 % ўтгандан сўнг

2.3. Таъмирлаш ишларининг тугаши вақти « 31 » декабр 2022 йил.

3. ТАЪМИРЛАШ БОШЛАШ, БАЖАРИШ ВА ТУГАТИШ БУЙИЧА ШАРТНОМАВИЙ МУДДАТЛАР

3.1. Таъмирлаш ишларини бажариш муддати мазкур шартноманинг 2.3. бандида кўрсатилган муддатгача амалга оширилади.

3.2. «Буюртмачи» томонидан таъмирлаш ишларини бажариш даврида «Пудратчи»га ўзи томонидан харид қилинган таъмирлаш материалларини тақдим қилиши мумкин.

3.3. Таъмирлашни тўхтаб қолганлиги учун сабабчи бўлган томон бунинг оқибатида келиб чиқадиган ҳар қандай камомат ёки жавобгарликни ўз зиммасига олади.

3.4. Таъмирлашни тугаллаб фойдаланишга топшириш учун тузилган комиссия далолатномаси тасдиқлангандан сўнг таъмирлаш ишлари тамом бўлган деб ҳисобланади.

4. ТЎЛОВ ШАРТИ ВА ТАРТИБИ

Ушбу шартноманинг умумий нархи 515 400 000 (*беш юз ун беш миллион тўрт юз минг*) сўми ташкил этади. «Буюртмачи» таъмирлаш ишларини бошлаш учун «Пудратчи»га шартнома нархининг 30 % ёки 154 620 000 (*бир юз эллик тўрт миллион олти юз йигирма минг*) сўм миқдорда олдиндан тўлайди ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг сентябрь ойида амалга оширилади. «Буюртмачи» томонидан якуний тўлов «Пудратчи» ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим қилгандан сўнг амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори 360 780 000 (*уч юз олти миш миллион етти юз саксон минг*) сўми, яъни, келишилган сумманинг 85 % қисmini ташкил этади ва бу якуний тўлов 2019 йил 31 декабр гача амалга оширилади.

4.2. «Буюртмачи» тўловни пул ўтказиш йули билан амалга оширади.

4.3. «Пудрат» ташкилоти томонидан шартномада кўрсатилган суммадан ошқича бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан тўловлар амалга оширилмайди.

5. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Шартнома баҳоси 515 400 000 (*беш юз ун беш миллион тўрт юз минг*) сўм бўлган таъмирлаш ишлари юқорида келишилган муддатда тугатиш ва фойдаланишга топшириш.

5.2. Махсус таъмирлаш ишларини бажариш учун махсус ёлланма пудратчи ташкилотларни жалб қилади.

5.3. Ҳар ҳафтанинг душанба кунида жорий ҳафтада бажарилган таъмирлаш монтаж ишлари тўғрисидаги тегишли ҳужжатларни «Буюртмачи»га тақдим қилиши шарт. Агар таъмирлаш мазкур шартномада кўрсатилган муддатда пудратчининг айби билан фойдаланишга топширилмаса, у ҳолда буюртмачига қуйидаги тартибда жарима тўлайди:

- таъмирлаш муддати 10 кунга кечиктирилса, шартнома баҳосидан 0.5 % миқдорда;

- кейинги 20 кун учун шартнома баҳосидан 5 % миқдорда;

- ундан кейинги муддатлар учун 20 % миқдорда;

Жарима санкцияси буюртмачи томонидан билдирилган ёзма равишдаги даъводан кейин 10 кун муддат мобайнида тўланиши шарт.

5.4. Пудратчи шартномада назарда тутилган маблағ доирасида ишларни бажаради ва шунга мувофиқ бажарилган ишлар тўғрисида 2-сонли далолатномани тузади.

6. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Шартномада курсатилган 4.1. ва 4.2. бандлари бузилса, «Буюртмачи» махсус ҳисоб-рақамидан ҳар бир кечиктирилган кун учун шартноманинг туланмаган нархини 0,04% миқдорда «Пудратчи»га жарима тўлайди.

6.2. «Буюртмачи» таъмирлаш ишларини ўз вақтида белгиланган стандартларга ва амалдаги қонунчиликка асосан қабул қилиб олади.

6.3. «Буюртмачи» тасдиқланган сметасига мувофиқ бюджетда назарда тутилган маблағ доирасида шартнома тузади ва шартнома суммасига мувофиқ 2-сонли далолатномани «Пудратчи» билан биргалликда тузади

7. ТОМОНЛАР ЎРТАСИДА ШАРТНОМАВИЙ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

7.1. Ушбу шартнома асосида келиб чиқадиган ҳар қандай низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчиликлари талабларига асосан ҳужалик судларида ҳал этилади.

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома Ҳазначиликдан рўйхатдан утгандан сунг 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади.

8.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

9. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

9.1. 2006 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси «Давлат бюджетининг Ҳазна ижроси тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Ҳазначиликда рўйхатга олиниши шартлиги ва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«ПУДРАТЧИ»

МЧЖ «STROY CITY LYUKS»

(Товар етказиб берувчи ёки хизмат кўрсатувчининг номи)

Манзил: Бухоро вил. Рометан туман тарнаут МФЙ

Тел./факс 98 007 15 51

х/в 20208000105093897001

Банк номи Тошкент ш «Алоқа банк АТ Бухоро филиали


МФО 00401

ОКОНХ 62000

СТИР 306518077

Раҳбар Юсунов, А

(Ф.И.Ш)



(ИМЗО)

Ҳуқуқшинос (ИМЗО ва Ф.И.Ш):

Ўрнатиш (Диплом) № ва берилган санаси:

«БУЮРТМАЧИ»

РЎТФХМОИМ Бухоро филиали

(бюджетдан маблағ олувчи ташкилотнинг номи)

Манзил:

Бухоро шаҳар шеҳон 114 уй

Тел./факс

ш/х* 400121860064017096200054001

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи

ОКОНХ 92120

Ҳазначилик бўлинимаси номи: Бухоро вилояти бўйича Ҳазначилик бошқармаси

Ҳазна х/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Марказий банкнинг ХККМ Тошкент шаҳар.

МФО: 00014

Ҳазначилик бўлинимаси СТИРи: 201122919

Раҳбар

(лавозим)

(Ф.И.Ш)



(ИМЗО)

Handwritten signature of the contractor.